



100021, Toshkent sh. Navoiy ko'chasi, 25

tel.: (998 71) 239-49-71

fax: (998 71) 239-13-52, 239-11-51

web sayt: www.uzsavdo.uz

e-mail: info@uzsavdo.uz

09.01.2014 й № 6

100021, г. Ташкент, ул. Навои, 25

тел.: (998 71) 239-49-71

факс.: (998 71) 239-13-52, 239-11-51

веб-сайт: www.uzsavdo.uz

e-mail: info@uzsavdo.uz

## БУЙРУҚ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январда 5-сонли қарорида белгиланган топшириқларни бажариш мақсадида,

### Б У Ю Р А М А Н :

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 январдаги “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Уюшма тизимидаги улгуржи базалар фаолиятини ривожлантириш, ташкилий ишлар ва умумлаштириш бўлими (Миркомиллов) қарорнинг мазмун моҳияти тизимдаги корхоналарга етказилсин.

3. Уюшма тизимидаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга:

энергия ресурслари истеъмолини қисқартириш ва ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш;

ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан технологик жараёнларни ва моддий-хом ашё ресурслари сарфи, фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш харажатлари нормаларини рационализациялаштириш;

меҳнат унумдорлигини ўстириш, бошқарув ва саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сонини мақбуллаштириш тавсия этилсин.

4. Ушбу буйруқнинг ижроси бўйича назорат раис ўринбосари вазифасини вақтинчалик бажарувчи Р.У.Хамидбеков зиммасига юклатилсин.

Раис

A handwritten signature in black ink, appearing to be 'R. U. Xamidbekov', written over a horizontal line.

З. О. Файзиев